

Андре Моруа (André Maurois) (тахаллуси; асл номи Эмиль Эрзог; 1885.26.7, Эльбёр — 1967.9.10, Париж) — француз ёзувчиси. Франция академияси аъзоси (1938 йилдан). «Камсухан полковник Брамл» (1918) ва «Сергап доктор О’Треди» (1922) романларида ўзи иштирок этган 1-жахон урушидан олган таассуротларини акс эттирган. «Бернар Кенэ» (1926), «Тақдир ўйинлари» (1928), «Оилавий давра» (1932), «Она замин» (1945) романлари француз халки олий табакаси хаёти хақида.

Моруа адабий-танкидий эсселари, тарихий шахслар хақидаги китоб ва хотиралари билан машхур. У «Ариель ёки Шелли хаёти» (1923), «Байрон» (1930), «Тургенев» (1931), «Лелия ёки Жорж Санд хаёти» (1952), «Олимпио ёки Виктор Гюго хаёти» (1954), «Уч Дюма» (1957), «Прометей ёки Бальзак хаёти» (1965) сингари асарлари билан хорижий адабиётда биографик роман жанрига тамал тошини кўйган. Моруа бу асарларида машхур кишилар хаёти ва ижтимоий фаолияти фактларидан четга чикмаган холда улар хақида бадиийлаштирилган хужжатли роман ёзиш мумкинлигини исботлаб берди. Моруа ўз кахрамонларига бўлган меҳрли муносабатини ифодалаш оркали адабиётнинг инсонсеварлик моҳиятининг теранлашишига кисса кўшди.

Моруанинг «Чоршанба бинафшалари» туркумидаги хикоялари ўзбек тилига таржима килинган.

«ТАНАТОС» МЕХМОНХОНАСИ (хикоя)

— «Стил»нинг акциялари кандай кетяпти? — деб сўради Жан Монье.

— Эллик тўккиз-у чоракдан, — деб жавоб берди ўн иккита машинисткадан биттаси. Ёзув машинкаларининг чакир-чукурида жаз оханглари эшитиларди. Деразадан Манхеттеннинг бесўнакай комати кўриниб турипти. Телефонлар хириллайди, когоз тасмалар шоша-пиша юкорига ўрлайди. Контора харфлару ракамлар ёзилган энсиз когоз лахтакларига тўлиб кетган.

— «Стил» калай ахволда? — деб яна сўради Жан Монье.

— Эллик тўккиз, — деб жавоб берди Гертруда Оуэн.

У бир лахза ишидан тўхтаб, француз йигитга каради. Йигит кўллари билан бошини кисганича ўриндикда кимир этмай ўтирарди. Ўтиришидан бутунлай мағлуб бўлган одамга ўхшарди.

«Куни битганларнинг яна бири, — деб хаёлидан ўтказди жувон. — Бадтар бўлсин. Фаннига жабр бўлди-да...»

Холмэн банкининг Нью-Йорк бўлими вакили бўлган Жан Монье икки йил аввал ўзининг котибаси — америкалик Фаннига уйланган эди.

— «Кэнникот»-чи? — деб яна сўради Монье.

— Йигирма саккиз, — деди Гертруда.

Эшик ортидан кимнингдир баланд овозда гапиргани эшитидди. Гарри Купср кириб келди. Жан Монье ўриндикдан турди.

— Томоша зўр бўляпти-ку! — деб гўдирлади Гарри Купер. — Акциялар курси 20 фоизга тушиб кетди. Холбуки, бунинг бўхрон эканини рад этувчи ахмоқлар ҳамон топилиб турипти.

— Ха, бу — бўхрон! — деди Жан Монье ва ташкарига чикди.

— Чув тушди-да, шўрлик! — деди Гарри Купер.

— Ха, — деб уни маъкуллади Гертруда Оуэн. — У охирги пуллари тиккан эди... Менга Фаннининг ўзи айтди. Шу бугунок у эрини ташлаб кетади.

— Нима хам иложи бор? — деб хўрсинди Гарри Купер. — Бўхрон бўхронлигини килади-да...

* * *

Лифтнинг бежирим бронза эшиги товушсиз ёпилди.

— Пастга, — деб буюрди Монье.

— «Стил» калай? — сўради лифтчи бола.

— Эллик тўккиз, — жавоб берди Монье.

У акцияларни 112 доллардан сотиб олган эди. Демак, хар бир акцияда 53 доллардан йўкотган. У харид килган бошка акцияларнинг ахволи бирмунча дуруст эди. У Аризонада бироз маблаг йигишга муваффақ бўлганди. Шу маблагнинг хаммасига акция сотиб олди. Фаннида бир чака хам пул йўк. Ха, тамом бўлди! Кўчага чикиб, шитоб билан метрога караб юрди. Эртанги кунини кўз олдига келтиришга уриниб кўрди. Хаммасини бошидан бошлайдими? Фанни бироз мардонаворрок бўлганда шундай килса бўларди. У ўзининг кийинчиликда ўтган биринчи кадамларини эслади. Аризона чўлларида мол бокканлари, кейин омади келиб, ишлари юришиб кетганини хотирлади. Нима бўпти? У хали ёш — энди ўттизга кирди. Бирок Фанни уни аяб ўтирмайди. Жан буни яхши билади. Шундай бўлди хам.

Эртасига эрталаб уйкудан турганида Жан Монье ёлгиз, сўппайиб колганди. У курашмоқка ортик мажоли колмаганини хис килди. Фанни жуда хам дийдаси каттик аёл эди. Шунга карамай Жан уни яхши кўрарди. Негр хотин унга хар кунги нонуштасини — бир тилим ковун билан сули бўтка олиб келди ва пул сўради.

— Бекангиз кани, мистер?

— Кетди.

У хизматкор аёлга ўн беш доллар берди, кейин канча пули колганини хисоблаб кўрди. Олти юз долларча колипти. Бу пулга икки ой, нари борса, уч ой тирикчилик килса бўлади... Кейин нима бўлади? У деразага каради. Сўнгги хафтада газеталар деярли хар куни кимнингдир ўз жонига касд килгани хакида ёзар эдилар. Синган банкирлар, даллолар, биржадаги олибсотарлар ўлимдан нажот излашади. Йигирманчи каватдан сакраса нима бўларкин? Ерга етгунингча канча вақт ўтаркин? Уч сониями? Тўрт сониями? Кейин «тарс» этиб асфальтга уриласан. Дабдурустдан жонинг узилмаса нима киласан? У мажакланган суякларини, абжак бўлган гавдасини, бутун вужудини какшатган дахшатли огрикларни кўз олдига келтирди. У чуқур хўрсинди, газетани кўлтигига кистириб, ресторанга овкатлангани жўнади. Унда устига сироп солинган

куймокни еди. Иштахаси карнай эканини кўриб ўзи хайрон колди.

* * *

«Палас-отель» Танатос», Нью-Мексико...» Галати адрес-а! Бу ердан менга ким мактуб йўллаши мумкин?

Эрталаб келган мактублар орасида Жан Монье Гарри Купернинг хам хатини учратди ва биринчи бўлиб шуни очди. Хўжайини нима сабабдан идорага келмаётганини сўрапти. У кассага саккиз юз тўксон уч доллар кайтариб топ-ширмоги керак. Бу масалани у қандай бартараф қилишни ўйлапти?.. Шафкатсиз, жонингни оладиган савол. Гарри Купернинг камчилиги бўлиши мумкин, бироқ у анойи эмас.

Жан Монье бошқа мактубни очди. Мактубнинг юкорисида учта сарвнинг шакли чакилган, ундан куйида эса куйидаги матн бор.

«Палас-отель «Танатос»

Директор Генри Берстекер

Мухтарам жаноб Монье!

Бугун сизга мурожаат қилаётганимиз бежиз эмас. Ихтиёримиздаги мавжуд маълумотларга қараб ҳукм юритсак, маълум бўладики, бизнинг хизматларимиз Сизга аскотиб қолиши мумкин.

Сиз, албатта, сезмаган бўлишингиз мумкин эмас — ҳатто энг омадли одамнинг ҳаёти хам бирдан чаппага кетиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда уларга қарши курашиб бўлмайди. Шунда ўлим ҳақидаги фикр одам учун нажот йўлини кўрсатувчи фикр бўлиб туюлади...

Кўзингни юмсангу уйкуга кетсанг, бошқа ҳеч қачон уйгонмасанг, ҳеч қанака сўроқларни эшитмасанг, ҳеч қанака таъна-дашномлар юрагингни ўртамаса!.. Бизнинг кўпчилигимиз шундай орзуларни ардоқлаганмиз, шу хоҳишни баён этганмиз... Холбуки, жуда кам ҳолларни мустасно қилганда, одамлар ўзлари чекаётган азоб-укубатларга чек қўйишни исташмайди. Шундай қилмоқчи бўлганларни изласак, буни тушунса бўлади. Кимдир биров ўзини пешонасидан отмоқчи бўлган-у, отаман деб асабини жароҳатлаб қўйган ва оқибатда кўр бўлиб қолган. Бошқа биров мангу уйкуга кетмоқ мақсадида уйку дори ичгану микдорини тўғри белгилай олмагани учун уч кундан кейин ҳушига келган.

Қараса, фалаж бўлиб қолипти, мияси оғир жароҳатланипти, хотираси буткул йўқолипти. Ўз-ўзини ўлдириш санъатдир. Бу ишда нодонлик хам кетмайди, олифтагарчилик хам. Шу билан бирга ўзининг табиатига кўра инсон бу ишда керакли тажриба хам тўплаёлмайди.

Мухтарам жаноб Монье. Биз айна шу хилдаги тажрибага эгамиз. Бизнинг назаримизда бу муаммо Сизни қизиқтиради, шунинг учун тўплаган тажрибамизни сизнинг ихтиёрингизга беришга тайёрмиз. Бизнинг мехмонхонамиз Кўшма Штатлар билан Мексиканинг оралигида жойлашган. Бизнинг жойлар анча хилват, қимсасиз. Ҳукумат томонидан хам ножоиз назоратлар қамроқ бўлади. Шуларнинг барини инобатга олган

холда якин биродарларга кўмаклашмоқ бизнинг биринчи бурчимиздир, деган хулосага келдик. Кимда-ким жуда жиддий кулфатлар ва ўнгарилмас бахтсизликлар таъсирида хаёт билан видолашмоқни истаса, биз бундай биродарларимизга ўз истакларини ҳеч қандай изтироблар чекмаган холда ва ҳар қандай хавф-хатарсиз амалга оширмоқларига имкон берамиз.

«Танатос» ателида ҳеч қандай оғрикни сезмасдан ухлаб ётган жойимизда хаёт билан видолашасиз. Ўтган йили биз икки мингдан ортиқ мижознинг хожатини чиқардик. Бизнинг одамларимиз 15 йил мобайнида бу иш билан узлуксиз шугулланиб, гоят юксак малакаларга эришган. Шунинг учун ўлдирадиган дориларнинг миқдорини тўғри белгилаш масаласида ва уларнинг бир зумда таъсир қилишида қафолат берамиз. Яна илова қиламизки, мижозларимиздан бирор киши диний характердаги қонуний шак-шубҳаларга бериладиган бўлса, ўзимиз усталик билан ишлаб чиққан усуллар ёрдамида уларни содир бўлган воқеа учун ҳар қандай маънавий масъулиятдан ҳалос этамиз.

Бизга яхши маълумки, мижозларимизнинг кўпчилиги жуда кам миқдорда маблағга эга. Негаки, ўз-ўзини ўддириш иштиёқи ҳамиша банкдаги жорий ҳисобга тесқари мутаносибдир. Шунинг учун мехмонхонадаги қулайликларга сира даҳл қилмаган холда «Танатос»даги нарх-навони энг арзон даражага туширишга ҳаракат қилдик. Бизда истикомат қилмоқ учун қелишингиз билан уч юз доллар миқдорда пул тўласангиз қифоя. Бу тўлов мехмонхонамизда истикомат қиладиган вақтингиз мобайнида Сизни ҳар қандай сарф-ҳаражатдан ҳалос қилади. Мехмонхонада қанча вақт истикомат қилмогингиз Сизга номаълум бўлиб қолмоғи қерак. Тўлаган пулингиз сўнги сафар ҳаражатларига ҳам, дафн маросими ва қабри саришта тутиш ҳаражатларига ҳам етади. Мутлақо аёнқи, тўлаган пулингизга Сизга кўрсатиладиган ҳамма хизматларнинг ҳақи ҳам қиради. Шундоқ бўлғач, Сиздан ҳеч қанақа қойчақа талаб қилинмайди.

Яна илова қилиб айтамызки, «Танатос» отели ҳаддан ташқари хушманзара жойда жойлашган. Тўртта теннис корти, гольф ўйнайдиган майдон ва сузиш учун қаттақон бассейн Сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Мехмонхонанинг мижозлари ҳар икки жинсга мансуб одамлардир. Улар жамиятдаги энг асл тоифалар қаторида туради. Мижозларимиз ўртасида барқамол аҳиллик муҳити ҳукм суради. Вазиятнинг гайриоддийлиги бу муҳитга ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган алоҳида жозиба бахш этади. Янги қелаётганлардан илтимосимиз: улар Диминг бекатиға борсинлар. У ерда мехмонхонанинг маҳсус автобуси уларни қутиб туради.

Яна бир илтимос — рози бўлсангиз ё хат ё телеграмма орқали лоақал қелишингиздан икки кун аввал ҳабар қилиб қўйсангиз. Телеграмма учун адресимиз: «Танатос», Коронадо, Нью-Мексико.

Жан Монье қартани олиб қийлади-да, Фанни ўргатганидай фол кўра бошлади. Сафар жуда қўзилиб қетди — ҳали-бери унинг қети кўринмасди. Поезд пахта далаларининг ёнидан қетиб боради. Далада оқ кўпик ичидаги қора нукталарга ўхшаб негрлар қуймақланиб юрипти. Жан қитобни қўйиб уйқуга қетар, ухлаб бўлиб қитобга тутинарди. Шу аҳводда икки кун-у, икки кеча ўтди. Ниҳоят, улар тоққа етиб қелишди. Теварак-атрофдаги ҳамма нарса баҳайбат, улқан эди. Поезд дара тубида қатта-қатта қояларни оралаб; елиб борар, тоғлар бинафшаранг, сарик, қизил тасмалардан белбоғ ўраб олғудай эди. Ўрталиқда эса булутлар муаллиқ турипти — улар ҳам узун оқ белбоққа ўхшайди. Қичкина бекатларда соябони қенг шляпа қийган, устидага чарм қурткалари гуддор нақшлар билан безалган мексикаликларни кўриш мумкин эди.

— Кейинги бекат — Диминг, — деб маълум килди Жан Моньега негр проводник. — Ботинкангизни тозалаб берайми, мистер?

Француз китобларини йигди ва чемоданини ёпди. Бу сўнги саёхатнинг жўнгиналиги уни хайрон колдирди. Тог дунёсининг шовуллаши кулокларига чалинди. Поезд тўхтади.

— «Танатос»гами, сэр? — деб Жанга хитоб килди вагонлар ёнидан югуриб ўтаётган хинди хаммол. У аллақачон аравачасига малла сочли иккита хушрўй жувоннинг юкларини ортиб олган эди. Улар хаммолнинг ортидан халлослаб келишяпти.

«Нахотки, — хаёлидан ўтказди Жан Монье, — шу сохибжамол кизлар хам бу ерга ўлгани келган бўлса?»

Иккала малласоч жувон унга махзун ва жиддий нигоҳ ташлади, ўзаро бир нималарни пичирлашди. Жан уларнинг гапини эшитмади.

«Танатос» мехмонхонасининг автобуси тобут ташийдиган машинага ўхшаса керак деб хавотир бўлганди Жан. Йўк, бундай эмас экан. У ялтирок кўк рангга бўялган, ўриндикларига хаворанг ва сарик мато копланган. Автобус куёшда ярк-юрк килади. Ховлида алмисокдан колган турли-туман машиналар турипти — уларнинг орасида мехмонхонанинг автобуси башанглиги билан ажралади.

Ховлида одам кўп — испанча ва хиндча сўкишлардан кулок коматга келади. Буларнинг бари бирикиб эски-туски темир-терсак бозорини эслатади. Йўл бўйидаги қояларнинг усти замбуруглар билан копланган — уларни окиш мовий ранг тутун чулғаб олгандай. Юкорирокда куёш шўъласида тог жинсларининг катламларидаги маъданлар яркирайди. Кўзлари кинидан чикиб кетай деб турган семиз хайдовчи кул ранг кийим кийиб олган. Малласоч жувонларни сиқиштириб кўймаслик учун Жан Монье камсукумлик билан шофернинг ёнига ўрнашди. Машина илон-билон йўлнинг бурилишларидан бирин-кетин ўтиб, тог юксаклари сари дадил йўл олганда, Монье шоферни гапга солмокчи бўлди.

— Сиз кўпдан бери «Танатос»да шоферлик киласизми?

— Уч йил бўлди, — деб тунд жавоб берди шофер.

— Исмингиз кўп галати экан-да!

— Галати дейсизми? — деб кайтариб сўради шофёр. — Нимаси галати? Мен автобус хайдайман. Бунинг нима галатилиги бор?

— Сиз мехмонхонага олиб келадиган йўловчилар-чи? Улардан ҳеч қайсиси кайтиб хам кетадими?

— Кўп эмас, — бироз хижолат бўлиб унинг гапини маъқуллади шофер. — Кўп эмас... Лекин, хар холда бўлиб туради. Мана, масалан, мени олайлик...

— Сизни? Ростданми? Сиз бу ерга... миждоз тарзида келганмидингиз?

— Менга каранг, мистер, — деди шофер, — мен шу ишни зиммамга олган пайт, ҳеч ким мендан ҳеч нарсани суриштирмасликни шарт қилиб кўйганман. Бунинг устига бу ерларнинг бурилишлари хавфли. Сизни хам, сиз билан манави ойимкизларни хам бирор фалокатга рўпара қилишимни истамассиз, ахир?

— Албатта, истамайман, — деб жавоб берди Жан Монье. Кейин жавобининг ўта кулгили экани хаёлига келиб жилмайди.

Икки соатдан кейин шофер индамай бармоги билан унга ясси адирлар тепасида савлат тўкиб турган «Танатос»ни кўрсатди.

Мехмонхонанинг иморати испан-хинду услубида қурилган эди — иморат баланд эмас, томи ясси, деворлари кизил рангга бўялган. Хоналар жанубга караган, ойнаванд айвонга чиқади, куёш нурлари мўл-кўл. Келганларни италян дарбон қарши олди. Унинг соқоли киртишлаб тоза олинган эди. Юзининг силликлиги Жан Моньенинг хотирасида

бошка бир мамлакатни, катта шаҳарнинг суронли кўчаларини, гулларга чўмган хиёбонларни жонлантирди.

— Мен сизни каерда кўрганман, а? — деб сўради у дарбондан, югурдак бола кўлидан чемоданини олар экан.

— Барселонада, сэр. «Ритц» мехмонхонасида... Мен — Саркониман. Инкилоб бошланиб қолиб, мен у ердан жўнавордим...

— Барселонадан Нью-Мексикага келиб қолдингизми? Узок ҳам демабсиз...

— Нима килай, сэр. Дарбон лавозими ҳамма жойда ҳам бир хил... Факат... Хозир мен сизлардан бир коғозни тўлдириб беришни илтимос қиламан. Бу карточка одатдагидан бу ерда бирмунча узунрок. Хафа бўлмайсизлар...

Портъе мижозларга босмахонада босилган учта бланк узатди. Улар хақиқатан ҳам хар хил саволларга, изоҳларга тўла эди. Мижозларга тугилган жойи ва вак-тини аниқ кўрсатиш таклиф қилинганди. Шунингдек, мижоз бирор бахтсиз ходисага дуч келиб қолса қимларга хабар бериш кераклигини ҳам маълум қилмоғи зарур эди.

Кариндошларингиз ёхуд дўстларингиздан камида икки кишининг манзилларини кўрсатишингизни илтимос қиламиз. Энг муҳими эса, она тилингизда ўз кўлингиз билан қуйидаги аризани (А шакли) кўчириб ёзинг:

«Мен қим, қуйида имзо чекувчи... соғлом эс-хушим ва хотирам билан шо-хидлик бераманки, ўз ихтиёрим билан хаётдан кўз юммоқдаман ва шунинг учун мен билан қандай воқеа рўй беришидан қатъий назар, бунинг учун «Танатос» мехмонхонасининг маъмурияти ва ходимларидан хар қандай масъулиятни соқит қиламан...»

Жан Монъенинг соҳибжамол ҳамроҳлари ёнма-ён турган столчалар ёнида рўпарама-рўпара ўтириб олиб, «А шаклини» хафсала билан кўчирмоқда эдилар. Жан Монъе жувонларнинг немис тилидаги бланкни олганларини кўрди.

Олтин гардишли кўзойнақ таккан мехмонхона директори Генри Берстекер дунёни сув олса тўпигига қикмайдиган одам эди. У ўзининг мехмонхонасидан жуда фахрланарди.

— Мехмонхонанинг эгаси сизми? — деб сўради ундан Жан Монъе.

— Йўқ, сэр, мехмонхона — хиссадорлик жамиятининг мулки, лекин уни барпо этиш гоёси чиндан ҳам менадан қикқан, шунинг учун мен умрбод директор қилиб тайинланганман.

— Махаллий хокимият билан муносабатларингиз қандай? Уларнинг таъна-дашномларини қандай бартараф қиласиз?

— Таъна-дашномлар дейсизми? — деб хитоб қилди жаноб Бекстекер бироз таажжуб билан хижолат чеқиб. — Бутун жавобгарлик мехмонхона эгаларининг зиммасига юклатилади. Биз вазифамизга хилоф ҳеч қанака иш қилмаймиз! Биз мижозларимизнинг истакларини бажо қелтираемиз, холос. Ундан ортиқ бирон иш қилмаймиз!.. Ундан ташқари, жаноб Монъе — бу ерда махаллий хокимият деган нарсадан ному нишон ҳам йўқ. Бизнинг турган еримиз қимга қарайди — мексикагами ёхуд Кўшма Штатларгами — буни ҳам ҳеч қим тайинли билмайди. Анча вақтга қадар бу жойлар қадам етмас жойлар ҳисобланарди. Бир афсона бор. Унга кўра бир неча юз йил аввал бир тўда хиндулар овруполикларнинг тажовузидан қочиш шунинг учун ерларга келиб қолишпти-ю, ҳаммалари биргаликда шунинг учун хаётдан кўз юммоқчи бўлишпти. Махаллий аҳолининг эътиқодига кўра ўлганларнинг арвоҳи бу ерга қеладиган йўлни кўриқлаб турар эмиш. Шунинг учун биз бир амаллаб бу ерга ўтиб қелганмиз ва тўғри қеладиган баҳода шунинг учун сотиб олганмиз. Ана шунанга — биз бу ерда бутунлай холи қеламиз, ҳеч қимга қарам эмасмиз. — Мижозларингизнинг оила аъзолари ҳеч қачон устинглардан судга шикоят

килмаганми?

— Устимиздан судга шикоят килишадими? — деб хуноб бўлди жаноб Бекстекер. — Кайси килган гуноҳларимиз учун? Кейин кайси суд бизни суд килишга ботина олади. Йўк, сэр. Мижозларимиз бошига тушадиган муаммолар хамиша жуда мураккаб ва ўта нозик бўлади. Биз уларни ҳеч қандай галва-жанжалсиз ҳал килишга ёрдам берар эканмиз, мижозларимизнинг оила аъзолари биздан хурсанд бўлишади... Йўк, йўк. Бу ишлар бизда ҳамирдан кил сугургандай силлик ўтади, мижозларимиз мижоз эмас, бизларнинг дўстларимиз... Хонангизни кўришни истамайсизми? Йўк демасангиз, биз сизни 113-хонага жойлаштирамиз... Иримчи эмасдирсиз, хойнахой?

— Иримчи эмасман, — деб жавоб берди Жан Монье. — Лекин мен жуда каттик диний коидалар руҳида тарбия кўрганман. Эътироф этмогим керакки, бу жонимга касд килиш ҳақидаги фикр мени анча ташвишлантирмоқда.

— Нима деяпсиз, сэр, ўзини ўлдириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, — деди Бекстекер. У бу гапни шу қадар ишонч билан айтдики, суҳбатдоши дарҳол жимиб қолди. — Сарқони, жанобни 113-хонага кузатиб кўй. Аввалдан келишиб кўйилган уч юз доллар масаласига келсак, сиздан илтимос, жаноб Монье, хонангизга кетаётиб кассирга тўлаб кўйсангиз яхши бўларди. Кассирнинг хонаси меники билан ёнма-ён...

Шафак шуъласида ял-ял ёниб ётган 113-хонада Жан Монье ўлим қуролларининг ҳеч қандай изини топа олмади.

— Кечки овқат қачон бўлади?

— Саккизу ўттизда, сэр, — жавоб берди хизматчи.

— Бу ерда емакхонага махсус кийиниб чиқиладими?

— Жентельменларнинг кўпчилиги шу қоидага амал қилади, сэр.

— Яхши. Мен кийимимни ўзгартириб оламан. Қора бўйинбогим билан ок кўйлагимни тайёрлаб беринг.

Мехмонхонага тушиб Монье ҳақиқатан ҳам кўкраги очик кўйлақдаги аёлларни, смокинг кийган эркакларни кўрди. Унинг олдида жаноб Бекстекернинг ўзи югуриб келди-да, эхтиром ва такаллуф билан деди:

— О, жаноб Монье, мен сизни излаб юргандим. Ўзингиз ёлғиз бўлганингиз учун мижозларимиздан бири, яъни миссис Кирби-Шоу билан бирга овқатлансангиз сизга маъқул бўлмасмикин?

Монье энсаси қотиб, афтини бужмайтирди.

— Мен бу ерга зодагонларча ҳаёт кечиргани келганим йўк... Яна, билмадим... Мени у хоним билан таништиришдан аввал, уни менга бир кўрсатсангиз бўладими?

— Ҳа, албатта, жаноб Монье... Хў-ў анави пионининг ёнида журнал варақлаб ўтирган жувонни кўряпсизми? Ок крепсатиндан кўйлақ кийган. Миссис Кирби-Шоу шу жувон бўлади... Бу жувоннинг бирор одамга манзур бўлмаслигини кўз олдимга келтиролмаман... Аксинча бўлса, бошқа гап... Сирасини айтганда, хаддан ташқари ёкимтой аёл. Жуда ақлли. Яхши тарбия кўрган. Жуда назокатли табиати бор...

Миссис Кирби-Шоу ҳақиқатан ҳам жуда ёкимтой аёл эди. Тим қора сочлари халка-халка ўралиб тушган, манглайи кенг. Кўзларидан нур ва меҳр ёгилади. Нима қилиб шундок ажойиб аёл ўлмокни мақсад қилиб юрибди?

— Нахотки, миссис Кирби-Шоу ҳам... Кўйинг-чи, бу аёл ҳам мижозларингиздан бирими? Нахотки, у ҳам менга ўхшаб ўша мақсадда келган бўлса?

— Албатта, — деб жавоб берди Бекстекер, — албатта, — деб маънодор қилиб такрорлади у.

— Ундай бўлса, майли, таништиринг мени.

Дастурхон дид билан жихозланган. Кечки овкат жуда тотли эди. Овкатланиш охирлагунча Жан Монье Клара Кирби-Шоунинг бутун хаётини асосий нукталарида бўлса хамки билиб олди. У жуда бадавлат ва меҳрибон одамга турмушга чиккан экан, лекин уни севмас экан. Ярим йил аввал у эрини ташлаб, ёшгина бир ёзувчи йигит билан Оврўпога кетиб колипти. Йигит хушрўйгина ва лекин анча сурбет эди. У билан Нью-Йоркда танишиб колган экан. Клара эридан расман ажралиши биланок ёзувчи йигит унга уйланади деб кутган. Аммо улар Англияга келишлари хамоно аёлга аён бўлиптики, ёзувчи йигит имкони борича тезрок Кларадан халос бўлиш орзусига тушибди. Йигитнинг шафкатсизлигидан ларзага тушган ва тахкирланган жувон йигитни деб нималардан воз кечиб келганини, канака мудхиш ахволга тушиб колганини тушунтирмокчи бўлипти. Аммо унинг таъналарини эшитиб йигит кулиб кўя колипти.

— Клара! — депти йигит жувонга, — Сиз ўтган асрнинг аёлисиз... Агар мен эски ахлокка бунчалик муккасидан кетганингизни билганимда эди, эрингизу болаларингизни чиркиратиб сизни ўгирлаб кетмаган бўлардим... Уларнинг ёнига кайтиб боришингизни маслахат берардим, азизим... Сизнинг кисматингиз оилангизни гуллаиб ўтириш экан...

Шунда у уйга кайтиб боришига эрини кўндиришга уриниб кўрмокчи бўлипти. Агар эри билан юзма-юз кўришса, унинг мухаббатини кайтадан козонишига ишонар экан у. Лекин Норманнинг кариндошлари ва хамкорлари ундан бир кадам хам нари кетишмапти, уни Кларага карши кайраб солиб, жуда каттик тазйик ўтказишипти. Норман хам оёгини тираб, «йўк» деб туриб олипти. Клара у билан учрашишга бир неча марта уриниб кўрипти. Бирок бу тахкирли уринишлар беҳуда кетипти. Шунда кунлардан бирида у ўзининг почта кутисида «Танатос» мехмонхонасининг таклифномасини кўриб колипти. Шунда у томогидан бўғиб ётган сиртмокни тезгина ва осон киркиб ташлашнинг бирдан-бир имкониятини топгандай бўлипти.

— Сиз ўлимдан кўркмайсизми? — деб сўради Жан Монье.

— Албатта, кўркаман... Аммо яшамокдан кўпрок кўркаман...

— Жавобингиз жуда закий, — деди Жан Монье.

— Мен заковатли бўлишга интилмайман, — деди Клара. — Кани, сиз хам гапиринг — ўзингиз бу ерга кандай тушиб колдингиз?

Жан Моньенинг хикоясини охиригача эшитиб, у йигитга каттиккина танбех берди.

— Бу ишингизга акл бовар килмайди-я! — деди жувон. — Нечук? Акцияларингизнинг бахоси тушиб кетгани учунгина жонингизга касд килмокчимисиз? Агар яшашга курбингиз етса, бир йил ёки икки йил, ха, борингки, ана — уч йиддан кейин сиз буларнинг хаммасини унутиб юборасиз, балки йўкотган нарсаларингизни кайтадан кўлга киритарсиз хам.

— Бой берган нарсаларим бир бахона, холос. Агар яшашимдан бирор маъно колганда эди, эхтимолки, уларнинг кандайдир ахамияти бўлиши мумкин эди...

Бирок хозиргина сизга гапирдим-ку — хотиним мендан воз кечди... Францияда на якин кариндошларим колди, на дўстларим... Нихоят, бор гапни тўла-тўкис айтадиган бўлсам, ўз вақтида бахтсиз мухаббат туфайли ватанимни тарк этганман... Энди мен кимни деб, ким учун курашмогим керак?

— Ўзингизни деб курашинг... Сиз хали кўп одамларни учратасиз. Улар сизни севиб колади. Шу одамларни деб яшамок керак... Бошингизга огир иш тушганда баъзи бир аёллар ўзини номуносиб тутган бўлса, факат шунга караб колган хамма аёлларни ёмонотлиг килиш керак эмас...

— Сиз ростдан шундай деб ўйлайсизми? Демокчисизки, оламда бир аёл бор... Э, э, мен айтмоқчиманки, мен яхши кўриб қолишим мумкин бўлган аёллар бор — улар локал бир неча йил давомида мен билан бирга курашларга ва мухтожликларга тўла ҳаёт кечиришга рози бўлишади...

— Бунга шубҳа қилмайман, — деб жавоб берди у. — Кўп аёллар курашни жуда яхши кўради ва кашшокликдан алланечук романтика топишади. Мана, масалан, мени олайлик...

— Сизни?

— Э-э, мен бошқа бир гапни айтмоқчи эдим...

Жувон хижолат чекиб гапини йўқотиб қўйди, кейин давом этди: иккимиздан бошқа ҳеч ким қолгани йўқ. Метрдотел бизга гапиришга тортиниб, теварагимизда айланиб юрипти.

— Нима дейсиз? — деб сўради Жан Монье Клара Кирби-Шоунинг елкасига суҳсур ёпинчигини ташлар экан, — нима деб ўйлайсиз — бугун кечаси... рўй бермасмикин?

— О, йўқ, — деди у. — Сиз бугун келдингиз-ку...

— Сиз-чи?

— Менинг келганимга икки кун бўлди.

Хайрлашатуриб улар эрталаб тоққа бирга сайр қилишни қилишиб олишди.

Тонг қуёши айвонга қийгоч тушиб, уни нурга ва иликликка тўлдириб турипти. Хозиргина муздек сувда ювиниб чиккан Жан Морьенинг кўнглидан «Яшаш мунча ширин бўлмаса...» деган фикр ўтди.

Аммо шу лахзанинг ўзида киссасида бир неча долларгина қолганини ва бир неча кундан кейин ҳаётдан кўз юмишини эслади. Монье чуқур хўрсинди...

«Соат ўн бўлипти!.. Клара мени қутаётган бўлса керак...» У апил-тапил қийинди. Устига ок костюмини илганида аъзойи баданида фавқулодда бир енгиллик хис қилди. Теннис майдончасида у Клара Кирби-Шоуга етиб олди. Жувон ҳам ок қийинган. У австриялик иккита ёшгина киз билан хиёбонда сайр қилиб юрарди. Жан-Моньени кўришиб кизлар шоша-пиша гойиб бўлишди.

— Уларни хуркитиб юбордимми дейман?

— Кизлар бироз хадиксирашяпти. Улар менга тарихларини гапириб беришди.

— Гаройиб-ку! Уларнинг тарихини менга ҳам айтиб берарсиз? Кечаси жиндай бўлса-да мизгиб олдингизми?

— Жуда яхши ухладим. Менимча, юрагингизни така-пука қилаётган Бекстекер овқатимизга хабдори қўшиб қўяяпти дейман-да...

— Унака бўлмаса керак, — деди Жан. — Мен тўйган кўзидай ухлабман. Эрталаб турсам миям бирам равшан...

Бир лахза ўтгач, илова қилди:

— Ўзимни жуда бахтиёр хис қилдим.

Жувон унга қараб жилмайди, лекин ҳеч нарса демади.

— Манави сўқмоқдан юрайлик, — деб таклиф қилди у. — Йўлда менга австралиялик кизларнинг тарихини айтиб берарсиз. Бу ерда сиз менинг Шахризодам бўласиз...

— Лекин бизда эртак учун минг бир кечамиз бўлмайди-да...

— Шунга айтинг... Сиз... «бизда» дедингизми?

Жувон унинг гапини бўлди.

— Бу кизалоклар эгизак экан. Улар бирга ўсиб-улгайишибди, аввал Венада, кейин Будапештда туришпти. Яқин дугоналари йўқ экан. Улар ўн саккизга тўлганларида бир венгер йигит билан танишишпти. У қадимий зодагонлар авлодига мансуб бўлиб, ўзи

бенихоя келишган, сохибжамол, лўлилардай кўшикка ишкибоз экан. Бир куннинг ўзида иккала киз ҳам унга ошику бекарор бўлиб қолишти. Бир неча ой ўтгач, у эгизаклардан бирига уйланмокчи бўлипти. Иккинчи киз аламидан нима қиларини билмай, ўзини ўзи ўлдирмокчи бўлипти. Буни кўриб биринчи эгизак йигитнинг таклифини рад қилипти. Кейин эгизаклар ўз-ўзларини бирга ўлдириш режасини тузишти... Худди шу пайтда улар ҳам худди сизу мен каби «Танатос» мехмонхонасининг коғозини олишти.

— Бу қандай тентаклик-а? — деди Жан Монье. — Уларнинг иккови ҳам навкирон ва сохибжамол... Нега энди улар Америкага кета қолмайди. У ерда йигит дегани тўлиб ётипти-ку. Ўзига муносибларини учратиб, севиб қолишарди. Бироз сабр қилишса, олам гулистон эди-ку...

— Бардоши етмаганлар бу ерга тушади-да, — деди Клара маъюс охангда. — Буни каранг — гап бошка одам тўгрисида борса, хар биттамит жуда зўр мулоҳаза юритамиз... Ким айтган эди бу гапни: «Бошкаларнинг бахтсизлигини кўтармок учун биз ҳаммамиз ҳам етарли матонатга эгамиз».

«Танатос»да истикомат қилувчилар ок либосли эркак билан аёлнинг паркдаги хиёбонларда, қояларни ортда қолдириб, шундоқкина жар ёкалаб толиқиш нималигини билмай сайр қилаётганларини кун бўйи қузатишлари мумкин эди. Улар ниманидир қизишиб муҳокама қилишарди... Қош қорая бошлаганда улар орқага — мехмонхона томонга йўл олишди. Уларнинг бир-бирларининг елкасига қўл ташлаб қелаётганларини кўрган мексикалик богбон тавозе билан тесқари қараб олди.

Кечки овқатдан кейин Жан Монье Клара Кирби-Шоуни қичкинагина хилват мехмонхонага етаклаб борди ва бутун окшом давомида унга нималарнидир гапириб, қўнглини олиб ўтирди. Кейин ўзининг хонасига кўтарилишидан аввал у жаноб Бекстекерни қидириб кетди. Директор ўзининг хонасида аллақандай қора китобни ўқиб ўтирган экан. Жаноб Бекстекер ҳисоб-китобларни текширмокда экан. Ахён-ахёнда у қизил қаламни олиб, бир сатрни ўчириб қўярди.

— Хайрли кеч, жаноб Монье! Бирон масалада мен сизга керақмидим?

— Ҳа, жаноб Бекстекер... Бир нарсани маслаҳатлашай дегандим... Мен айтмокчи бўлаётган гапни эшитиб хайрон бўлишингиз мумкин... Бирдан шунақа ўзгариш бўлиб қолди... Лекин на илож — хаёт шунақа экан-да!.. Қисқаси, ҳузурингизга қелишимдан мақсад — ниятларим ўзгариб қолганини маълум қилиш эди. Мен ўлиш фикридан қайтдим.

Жаноб Бекстекер таажжуб ичида унга тикилиб қолди.

— Жиддий гапираяпсизми бу гапларни, жаноб Монье?

— Жуда яхши билиб турибман, — деб давом этди француз, — сиз мени тутуриги йўқ, бекарор бир одам деб ҳисоблайсиз... Аммо шуниси ҳам табиийки, хаёт шароитининг ўзгариши билан бизнинг ниятларимиз ҳам ўзгарди... Бир ҳафта олдин мен сизнинг мактубингизни олганимда ноумид бир аҳволда эдим, ўзимни мутлақо ёлғиз ҳис этардим... Ўшанда менга ортик қурашмокнинг маъноси йўқдай кўринган эди... Ҳозир эса мен учун бугун дунё бошқача бўлиб қолди. Ростини айтсам, буларнинг бари сиз туфайли бўлди, жаноб Бекстекер.

— Сиз туфайли дейсизми, жаноб Монье?

— Ҳа, сиз туфайли. Негаки, бу мўъжиза сиз таништириб қўйганингиз жувон туфайли рўй берди... Миссис Кирби-Шоу жуда жозибатор аёл экан, жаноб Бекстекер.

— Мен ўзим ҳам сизга шунақа деб эдим-ку, жаноб Монье.

— Ҳа, у жуда жозибатор ва қахрамон аёл экан. Мен унга ўзимнинг ночор ахволимни

хикоя килиб бердим, у бўлса менинг бахтсизликларимни бахам кўришга рози бўлди... Хайрон бўляпсизми?

— Сира хам-да... Биз бу ерда бунака ўзгаришларга кўникиб колганмиз... Сиз учун гоятда хурсандман, жаноб Монье. Сиз хали ёшсиз, жуда ёшсиз...

— Хуллас, агар сиз эътироз билдирсангиз, биз миссис Кирби-Шоу билан эртага Димингга кайтар эдик.

— Демак, миссис Кирби-Шоу хам сизга ўхшаб фикридан кайтдимми?

— Албатта-да. У хозир келади, бу гапни унинг ўз огзидан эшитасиз... Факат битта нозик масалани келишиб олсак бўлди. Биласизми, сизга тўлаган уч юз долларим менинг деярлик хамма сармоямни ташкил килади... Шу пулнинг хаммаси тўла-тўкис ва узил-кесил «Танатос»нинг хисобига ўтиб кетди деб хисоблайсизми, ёхуд мен кайтиб кетмогим учун поездга билет олгани пулдан бир кисмини кайтариб олишим мумкинми?

— Биз халол одамлармиз, жаноб Монье... Биз хеч қачон ейилмаган сомсага пул тўлашга мажбур қилмаймиз. Хона, овқат ва хизматкорлар хаки бир қунига йигирма доллар бўлади. Эртага эрталаб хазиначи бўйнингиздаги қарзни хисоб-китоб килади. Колган пулингизни кайтариб оласиз.

— Сиз жуда олижаноб ва саховатли экансиз... Эҳ, жаноб Бекстекер, сиздан нақадар миннатдор эканимни билсангиз эди... Мен кайтадан бахтимни топдим... Хаётим янгидан бошланади...

— Хамиша хизматингизга тайёрмиз, — деди жаноб Бекстекер.

У Жан Моньенинг хонадан чиқишини ва йўлакдан юриб кетишини кутиб турди. Кейин кўнгирокнинг тугмасини босди.

— Саркони менинг олдимга келсин, — деб буюрди у. Бир неча дақиқа ўтгач, дарбон кириб келди.

— Чакирдингизми, синьор директор?

— Ха, Саркони... Шу бугун кечаси бир юз ўн учинчи хонага газни очиб қўйинг... Кечаси иккилар атрофида.

— Захарловчи газни очишдан аввал ухлатувчи тазни очайми, синьор директор?

— Бунинг хожати бўлмаса керак... У роса мирикиб ухлайди... Бугунга шу, холос, Саркони... Эртага эса аввал келишганимизга биноан ўн еттинчи хонадаги икки жувон... Дарбон чиқиб кетиши билан остонада миссис Кирби-Шоу пайдо бўлди.

— Кир, қиракол, — деди Бекстекер. — Ўзим хам сени энди чакирмоқчи бўлиб турувдим. Сенинг мижозинг хузуримга келиб кетди. Жўнаб кетмоқчи эканини айтди.

— Менимча, мен мактовга сазоворман, — деб жавоб берди жувон. — Ишни жуда ўринлатиб қўйдим...

— Ха, тез ва бекаму қўст... Буни хисобга оламан.

— Демак, уни бугун кечаси...

— Ха, бугун кечаси...

— Шўрлик йигит! — деб хўрсинди у. — Бирам яхши, бирам самимий.

— Уларнинг хаммаси самимий, — деди Бекстекер.

— Жуда багри тошсиз-да, — деди жувон. — Улар яна янгидан хаётнинг лаззатини туя бошлаган дақиқада сиз уларни нариги дунёга жўнатасиз.

— Багри тошманми?.. Йўк... Усулимизнинг инсонпарварлиги айни шунда-да. Шўрлик диний шак-шубхалар исқанжасида қийналиб кетувди. Мен уни тинчлантирдим.

У олдида ётган рўйхатга кўз ташлади.

— Эртага бўшсан... Индинга яна анча ишинг бор... Бу гал бир молиячи келади. Буниси

Швециядан... Лекин ёши ўтинкираб колган.

— Француз йигит менга жуда манзур бўлиб эди-да... — деди Клара хаёлчанлик билан.

— Ишни танламайдилар, — деди директор кахр билан. — Мана, сенга тегишли ўн доллар. Бу ўн доллар — мукофот.

— Рахмат, — деди Клара Кирби-Шоу ва пулларни сумкачасига солиб огир хўрсинди.

Клара чикиб кетгандан кейин жаноб Бекстекер кизил каламни олиб, рўйхатидаги бир исм-шарифни хафсала билан ўчирди.

Рус тилидан Озод Шарафиддинов таржимаси

«Жахон адабиёти» журналининг 1998 йил, 12-сонидан олинди.